

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2023 йил июль ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, суд биносида, видеоконференцалоқа режимида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматовнинг раислигида, А.Умаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тўрақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Турсунов, судланувчи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] оид 1-1607-2301/108-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]

[REDACTED] яшаган, мазкур иш бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2023 йил 12 июндаги ажримига асосан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчини кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокарасини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида 2023 йил 28 март куни [REDACTED] тегишли бўлган 3 бош отини жами 48.000.000 сўмга сотиб олиб, пуллардан 2.000.000 сўм қисмини бериб, қолганини бир хафта ичида тўлик беришга ваъда қилиб, уни алдаб ва ишонтириб, 3 бош отларни ўзга шахсларга сотиб юбориб, пулларни [REDACTED] кайтармасдан, бошқа ишларига сарфлаб юбориб, фирибгарлик қилган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига қисман иқрорлик билдириб, от олиб сотиш билан ҳам шуғулланиб тургани сабабли 2023 йилнинг 28 март куни Тўрақўрғон тумани, Шохидон қишлоғидаги ҳайвон бозорига келгани, бозорда уч бош от сотаётган шу иш бўйича танигани [REDACTED]

[REDACTED] от ва қора мол савдоси билан шуғулланишини айтиб, бир ҳафта ичида пулларни тўлик қилиб бериш шарти билан 48.000.000 сўмга отларини сотиб олишга келишганида [REDACTED] рози бўлгани, олдиндан унга 2.000.000 сўм пулларни бергани, кейин ушбу отларни Бувайда туманидаги ҳайвон бозорига олиб чиқиб, 41.000.000 сўмга сотиб юборгани, пулларни ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборгани, ҳақиқатда [REDACTED] унга сотган отларининг пулларини сўраб яшаш уйига келган вақтида унга олдин берган пул билан жами 7.155.000 сўм пулларни бергани, қолган пулларни вақтида бера олмагани, [REDACTED] уни яшаш уйига ИИБ ходимлари билан бирга келган вақтида у бошқа туманда ёлланма иш билан банд бўлгани учун кела олмагани, ўша куни уйдагилари [REDACTED] 2 бош отларни қолган қарзлари эвазига ҳисоб китоб қилиб берганларида [REDACTED] 48.000.000 сўм пулларни тўлиқ олгани ҳақида ўз розилиги билан тилхат ёзиб бергани ва бу ҳолат видеосъёмкага олингани, уйда ҳеч ким [REDACTED] талаб қилаётган 10.000.000 сўм пулни унга бермаслиги, чунки унинг тилхати бўлиб, барча пулларни олганини ёзиб бергани, ўзининг қилган ишларидан пушаймонлиги, хатосини тушуниб етгани, ишни қонуний ҳал қилиб, адолатли ҳукм чиқаришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида от боқиш ва сотиш билан шуғулланиб келиши, Бувайда туманида яшовчи [REDACTED] 2023 йилнинг январь ойидан бўён таниши, у билан интернет оркали танишгани, ҳақиқатда 2023 йилнинг 28 март куни ўзига тегишли бўлган уч бош отларини Тўрақўрғон туманидаги Шохидон ҳайвон бозорига сотиш учун олиб келгани, шу ерда [REDACTED] уни олдига келиб, отларини кўриб, сотиб олишини айтгани, ўзини халол йигит эканлигини, отларини сотиб олиб, фойда олиш нияти борлигини, унга ишониши мумкинлигини айтганида гапларига ишониб, отларини 48.000.000 сўмга сотиб олишга келишгани, [REDACTED] ҳозирда нақд пуллари йўқлиги, шу кун кечгача 15.000.000 сўм беришини, қолган пулларни бир ҳафта ичида тўлик беришини айтганида унга ишониб, 3 бош отларини бериб юборгани, [REDACTED] унга 2.000.000 сўм пул бергани, лекин шу куни кечгача 13.000.000 сўм пулларни бермасдан, ўзининг телефон апаратини ўчириб олгани, эртаси куни [REDACTED]

[REDACTED] яшаш хонадонидан топа олмагани, шундан сўнг, унинг уйига Бувайда туманига Янгиқўрғон туманидан тахминан 10 мартаба катнагани, хаттоки [REDACTED]

[REDACTED] маҳалласида кетаётганида ушлаб олиб, пулларни ёки отларини қайтаришини сўраганида [REDACTED] отларини Бувайда туманидаги бозорда сотиб

юборгани, пулларни тўлик олмаганини бахона килганида гапларига ишонмагани, кейин суриштирганида 2 бош отини қассобга 26.000.000 сўмга сотиб юборганлигини билгани, учинчи отини эса нима қилганини билмагани, [REDACTED] унга 2023 йилнинг 4 апрелига қадар ҳамма пулларини беришини лафз қилиб, шу мазмунда тилхат ёзиб бергани, шундан кейин қассобни олдига бориб, вазиятни тушунтириб берганида қассоб унга 5.000.000 сўм пул бергани, жами [REDACTED]

[REDACTED] яшаш уйига ИИБ ходими билан борган вақтида уни уйида йўқлиги, оила-аъзолари унга уйида бўлган икки бош отларни 41.000.000 сўмга сотмоқчи бўлишгани, шунда [REDACTED] оила-аъзоларига бу отларни нархи бозорда 31.000.000 сўм эканлиги, отлар урғочи бўлгани учун 41.000.000 сўмга ҳеч ким олмаслигини айтганида шу отларни олишга уни мажбурлашгани учун қурқиб кетиб, ушбу отлардан ҳам маҳрум бўлиши мумкинлигини ўйлаб, олишга мажбур бўлгани, шунда Мусобекнинг оила аъзолари ундан 48.000.000 сўм ҳаққини олгани, даъвоси йўқлиги мазмунида тилхат ёздириб олишгани, у билан бирга келган ИИБ ходими бу вақтда [REDACTED]

[REDACTED] кўчада жуда кўпчилик одамларни алдаб мулклари ва пулларини олиб фирибгарлик қилиб юрганидан хабар топгани, [REDACTED]

[REDACTED] ундан 10.000.000 сўм қарзи борлигини жуда яхши билиб кўриб тургани, лекин тан олмасдан ёлғон бухтон гапларни айтаётгани учун ушбу суммадаги пулларни ундан ундириб, қонуний чора кўришни сўради.

[REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби, ариза (ж.и. 5 в.), тушунтириш хатлари (ж.и. 6-11 в.), тилхат (ж.и. 11<sup>А</sup> в.) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши ҳақида, 4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга фуқаровий даъвогарни янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар,

мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки [REDACTED] тегишли бўлган 3 бош отларини жами 48.000.000 сўмга сотиб олиб, пуллардан 2.000.000 сўм қисмини бериб, қолганини бир hafta ичида тўлик беришга ваъда қилиб, уни алдаб ва ишонтириб, 3 бош отларни ўзга шахсларга сотиб юбориб, пулларни [REDACTED] кайтармасдан, бошқа ишларига сарфлаб юбориб, фирибгарлик қилган.

Гарчанд, [REDACTED] 48.000.000 сўм пулларни тўлиқ олгани ҳақида ўз розилиги билан тилхат ёзиб бергани ва бу ҳолат видеосъёмкага олингани, уйда ҳеч ким [REDACTED] мажбурлаб тилхат ёздирмагани...” билдириб, кўрсатув берса-да, унинг важлари жиноят ишининг 9-варағида ўзининг тушунтириш хати билан;

- жиноят ишининг 6-варағидаги жабрланувчи [REDACTED] тушунтириш хати билан;

- жиноят ишининг 11<sup>А</sup>-варағидаги [REDACTED] судда “... бироқ унга сотган отларини ҳисобидан унга берилмаган 10.000.000 сўм пул болаларининг ризқи бўлгани учун қайтариб беришини талаб қилиши [REDACTED] ундан 10.000.000 сўм қарзи борлигини жуда яхши билиб кўриб тургани, лекин тан олмасдан ёлғон бухтон гапларни айтаётганини...” баён қилиб тўғридан тўғри уни айбини фoш қилиб берган кўрсатувлари билан тўлиқ рад қилинади ҳамда [REDACTED] қолган қарзлари эвазига ҳисоб китоб қилиб берганларида [REDACTED]

мажбурлаб тилхат ёздирмагани...” деб берган кўрсатувлари уни ўйлаб топган важлари деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар

аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг қопланганлиги ва ҳ.к.) ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисми мазмунига кўра етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг 26-бандида ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этиши, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига қисман иқrorлиги, қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини ЖК 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир этганини ЖК 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, зарар қисман қопланганлиги, яъни моддий зарар суммасини салмоқли қисми жабрланувчига тўланганлигини эътиборга олиб ҳамда жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятни ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган Қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, ЖК 50-моддаси еттинчи қисмининг “а” бандига асосан жазони манзил-колонияларда ўтатиришни лозим топади.

Суд, етказилган моддий зарарни муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] 48.000.000 сўм моддий зарардан 38.000.000 сўм миқдори қопланганлигини; [REDACTED] фойдасига қопланмаган 10.000.000 сўм моддий зарарни ундиришни;

ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” диск ва тилхатни жиноят иши билан бирга сақланаётганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473 – моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 4 июль кунидан бошлаб ҳисобланиб, манзил-колонияларида ўтаттирилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилиниб, унга жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2023 йил 12 июндаги ажрими билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани эътиборга олинсин.

Судланувчи [REDACTED] фойдасига етказилган 48.000.000 сўм моддий зарардан 38.000.000 сўм миқдори қопланганлиги инобатга олинсин.

[REDACTED] фойдасига қопланмаган 10.000.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” диск ва тилхат жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Тўрақўрғон туман судининг раиси

М.Рузиматов